

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети



Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс – назорат” тизимини бошқариш бўлими

“Комплаенс назорат” тизимини йўлга қўйиш бўйича

НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТҮПЛАМИ

ЧИРЧИҚ ш.

- 👉 “Korrupsyanazorat”
<https://pm.gov.uz>
- ">@ anti_corruption_jtsu_bot
- (@ REKTORGA_SAVOLIM_BORbot)

Коррупцияга қарши **“Комплаенс-назорат”** тизими нима?

Илғор хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги замонавий бошқарув усулларига мувофиқ, самарали фаолият юритишни таъминловчи энг муҳим профилактик воситалардан бири таркибида коррупцияга қарши **“комплаенс назорат” тизими** жорий этиш ҳисобланади.



“Комплаенс”, “комплаенс назорат” (compliance control) тушунчалари - мувофиқлик ва аниқ белгиланган қоида, стандарт ҳамда кўрсатмаларга мувофиқ фаолият юритишни ифодалайди.

Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва хусусий сектор фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, коррупция ҳавф-хатарлари ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, қонун бузилиши ва **коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳақида хабар бериш** каби қатор профилактик чораларни ўзида мужассам этган самарали тизимдир.




“Комплаенс назорат” тизимининг халқаро принциплари:



► **Шахсий намуна (TONE AT THE TOP)** - раҳбарият томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги **ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш** ва бунда **жамоага шахсан намуна бўлиши**;



► **Коррупцияга нисбатан муросасизлик** - ходимларда коррупцияга нисбатан “**0 (ноль)**” даражадаги **муросасизлик** маданиятини шакллантириш;



► **Очиқлик ва шаффоффлик** - фаолиятда **очиқлик ва шаффоффликни таъминлаш**;



► **Хабар бериш сиёсати** - қонун бузилиши, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида **хабар бериш**;




► **Комплаенс дастури** - коррупцияга қарши курашиш сиёсатини **қамраб оловчи жараёнлар**;



► **Комплаенс ҳодим** - коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали юритиш учун **жавобгар шахс**;

► **Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш-** фолиятни турли коррупциявий хавф-хатарлардан **ҳимоя қилиш** ва **баҳолаб борилишини мониторинг қилиш**;



► **Самарадорлик ва малака ошириш** - ходимларни **коррупцияга қарши маданияти ва билимини** мунтазам ошириб бориш мақсадида ўқитиши.



► **Тизимли таҳлил** - коррупцияга қарши “комплаенс назорат” хизматининг **самарали фаолият юритиб боришини** мунтазам равишда баҳолаб, мониторинг қилиш;

► **Контрагент** - учинчи томон шахсларнинг **ишончлилигини баҳолаш**.

Коррупцияга қарши ички назорат тизими тартибга солувчи муносабатлар



- Коррупцияга қарши курашиш **сиёсатини** ишлаб чиқиш;
- Шаффофф давлат харидлари **сиёсатини амалга ошириш ва назорат қилиш**;
- Бюджет маблағларининг **мақсадли сарфланиши ва бюджет интизомига риоя қилишнинг** комплекс механизmlарини ишлаб чиқиш;
- Коррупциявий **хавф-хатарларни** аниқлаш;
- Қонун бузилиши ва коррупция ҳолатлари ҳақида **хабар бериш тартиби**;
- Манфаатлар түқнашувини бошқариш тартиби;

Коррупцияга қарши ички назорат тизими тартибга солувчи муносабатлар



- Давлат ҳизматчиларининг **одоб-ахлоқ** қоидалари;
- Иш юзасидан **совғалар бериш ва олиш тартиби** ҳамда **кўнгилочар тадбирларни** ташкил этиш;
- Номзодларни ишга қабул қилишнинг **очиқ ва шаффофф** тизимини яратиш;
- Хизмат **текширувларини** ўтказиш тартиби;
- Хизмат **сири ва маълумотларининг** конфиденциаллигини сақлаш тартиби;
- Хайрия ва ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш тартиби.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низомнинг асосий мақсади:

- Университет профессор-ўқитувчилари, ишчи ходимлари ва талаба (магистрант, докторант, мустақил изланувчи) ларнинг ҳукуқий онги ва маданиятини, шу орқали **жамиятда коррупцияга қарши курашиши** шакллантириш;
- Университет профессор-ўқитувчилари, ишчи ходимлари ва талаба (магистрант, докторант, мустақил изланувчи) лар коррупцияга қарши **қонунчиликни ва ички идоравий ҳужжатлари талабларини тўлиқ билишлари** ҳамда уларга **риоя этишлари** лозим;
- Университет профессор-ўқитувчилари, ишчи ходимлари ва талаба (магистрант, докторант, мустақил изланувчи) лари **коррупцион ҳаракат содир этилганда** комплаенс назорат ходимларига билдириш;
- Университетга **ишга кирган ҳар бир ходим** коррупцияга қарши кураш түғрисидаги **НИЗОМ** билан **имзо қўйган ҳолда танишиши** ва **унга риоя этиши шарт**.

Коррупция нима?

Коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан **шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб** моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида **қонунга хилоф** равища фаолият юритишидир.



АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

- ✓ **коррупциявий ҳаракатлар** - ходим томонидан **пора берувчининг манфаатларини кўзлаб** ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали

порани (пул, қимматбаҳо қофозлар, мулкий тусдаги хизматлар, бошқа мулкий ҳуқуқларни) олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, пора бериш ва олишда воситачилик қилиш, ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш.

✓ **кронизм** - дўстларга ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзларни тақдим этиш мақсадида хизмат вазифасидан фойдаланиш ёки таъсир ўтказиш;

✓ **манфаатлар тўқнашуви** - шахсий манфаатдорлик профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимлар мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган, таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда **шахсий манфаатдорлик** билан университет тизимиning **хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик** юзага келаётган ёки юзага қелиши мумкин бўлган вазият;



Conflict of interest

✓ **маҳаллийчилик** - шахсни мазкур лавозимга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини инобатга олмаган ҳолда, фақатгина келиб чиқиши ҳамда мазкур шахснинг ҳукumat ваколатларига эга бўлган идораларда яқин қариндошининг хизмат мавқеи сабаблари бўйича шахсни ишга қабул қилиш, ишини ўзгартириш, лавозимга тайинлашда юз берадиган ҳолат;



✓ **непотизм** – ўзининг яқин қариндошларига ғайриқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ёки таъсир ўтказиш, яқин қариндошлари ва дўстларига асосиз мукофотлар бериш, профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимлар манфаатлари зарарига яқин қариндошлари ва

дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш холатлари;

✓ **уруг-аймоқчилик** - **муайян қариндошга мансублиги асосида** учинчи шахсларга нисбатан субъектив, илтифотли ва нохолис муносабатда бўлиш шаклидаги **шахсий манфаатини намоён этилиши**;



✓ **яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишиган ва ўгай акаука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр хотиннинг ота-онаси, туғишиган ва ўгай акаука ва опа-сингиллари билан хизмат

вазифасини бажаришда фойдаланиш холати.

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШ

Университет профессор-ўқитувчилари ва ходимлари ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва вижданан бажариши, ўз **шахсий манфаатларидан** келиб чиқиб, **университетнинг мол-мулки ва (ёки) хизмат мавқеларидан** фойдаланмасликлари талаб этилади.

Университет профессор-ўқитувчилари ва ходимлари хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳар қандай совғалар (**рағбат воситалари, кафолатлар, мукофотлар, пул маблағлари, моддий қимматга эга бўлган криптовалюталар**)ни қабул қилиши **тақиқланади**.

Расмий делегациялар таркибида, шу жумладан **хорижий сафарлардаги расмий тадбирларда** университет **профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимлар** томонидан олинган **ҳар қандай совғалар суммаси ва шаклидан қатъий** назар **УНИВЕРСИТЕТ ТАСАРУФИГА ЎТКАЗИЛАДИ**.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Университетнинг профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлари фуқаролар (**юридик шахслар**) билан муносабатларда:

ҳалоллик,
адолатлилик ва **инсофилик** каби хулқ-атвор намунасини кўрсатиш билан бирга,
ўзларида **коррупцион ҳаракатларга қарши курашиш** муносабатини шакллантириши лозим.

Хуқуқбузарликка қарши кураш ва айбор шахсларни жавобгарликка тортиш тизими

Антикоррупцион талабларни
бузган университет ходимлари:

- Ўзбекистон қонунчилигига белгиланган тартибда;
- интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.



Университет профессор-ўқитувчилари, ишчи ходимлари ва талаба (магистрант, докторант, мустақил изланувчи)лари **ўз раҳбарини ёхуд хуқуқни муҳофаза қилиш органларини:**



телефонни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида;

бошқа давлат хизматчилари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҮЙИЧА СИЁСАТИ

Мазкур сиёсатнинг талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъий назар университет ва таркибий тузилмалар билан меҳнат муносабатларида бўлган **барча ходимларга тадбиқ этилади.**



Университетга ишга қабул қилинаётган ҳар қандай шахс ушбу сиёсат билан имзо кўйган ҳолда танишишга ва унинг **қоидаларига риоя қилишга мажбур.**

Университетнинг каррупцияга қарши курашиш принциплари:

Қонунийлик - университет ва таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш чора тадбирлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат бошқаруви органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича **жахонда тан олинган амалиётни** ҳисобга олган ҳолда ҳамда университет ички тизимининг белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;



Коррупцияга тоқатсизлик – университетда фаолият юритаётган **профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимлар** ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига **муросасиз муносабатда** бўлади.

Очиқлик ва шаффоффлик – университетда фаолият юритаётган **барча профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимлар** коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар хақида **кенг жамоатчиликни** хабардор қилиш.



Университетнинг таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашишнинг асосий элементлари

- ✓ Коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички хужжатларни **Сиёsat ва Одоб-ахлок** қоидалари ташкил этади;
- ✓ Юқори даражада **раҳбарлик намунаси**: университет таркибий тузилмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролик ва юридик шахслар билан муносабатда **ҳалол, адолатли ва мустақил хулқ-атворга** эга бўлишлари керак;
- ✓ Университет таркибий тузилмалари фаолиятининг коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимни яратиш ва амалга оширишда қуйидагилар орқали **етакчиликни намойиш этади**:
- ✓ Университет таркибий тузилмалари фаолиятининг **хавф-хатарга** эга фукцияларига коррупцияга қарши курашиш самарали чора-тадбирларни **жорий этади**, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш **йўл харитасини** ишлаб чиқади ва унинг **ижросини назорат қилиш** орқали амалга оширилади;



- ✓ Ўз мансаб мажбуриятларини бажариш доирасида қолган ходимларга коррупциянинг **барча шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатни** шакллантирган холда коррупцияга қарши курашиб бўйича **қонунчилик нормалари** ва қабул қилинган **ички хужжатларга** риоя қилади ҳамда ахлоқий хулқ-атвор юзасидан **шахсан намуна** сифатида намоён бўлади.

ИШ ЖАРЁНИДАГИ СОВҒАЛАР

Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимларига уларнинг **шахси билан боғлиқ байрамлар**:

(**туғилган кун, бола туғилиши, Ватан химоячилари куни, хотин-қизлар куни**)да берилган, **хизмат мажбуриятларини бажариши** билан боғлиқ бўлмаган совғалар **ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар** деб тан олинади.

Бундай совғаларни беришда қўйидаги
талабларга риоя қилиш лозим:

- ✓ Совғалар университет, таркибий тузилмаларининг камидаги **уч нафар ходимлари иштирокида** берилиши лозим;
- ✓ Совға бериш жараёни **табрик нутқи** билан бирга бўлиши, унда совға беришга **сабаб бўлган воқеа** ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши лозим;
- ✓ Совғанинг умумий қиймати (**барча солиқлар ва йиғимларни хисобга олган холда**) **5 (беш)** баравар базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги лозим.



Коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар:

Университетда коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйиш мақсадида **Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс – назорат” тизими**ни бошқариш бўлими ташкил этилган.

Бўлим коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларни амалга оширишда етарли даражада **мустақилликка ва мухим ресурсларга** эга бўлиб, бевосита Ўзбекисон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректорига бўйсунади ва ўз фаолиятини **Низомга** мувофиқ амалга оширади;



Университет таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашишга оид **қонунлар, Президент фармон ва карорлари, вазирлик буйруқлари** ва бошқа **норматив-хукуқий ҳужжатлар**, шунингдек **университет ректори буйруқларига** риоя этилиши устидан назорат олиб борилади.

Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказиш, моддий рағбатлантириш:

Университетда **профессор-үқитувчилар ва ишчи ходимларни танлаш**, уларни **атестациядан ўтказиш** ва **фаолиятини баҳолаш**, шу жумладан **мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар** ва бошқа турдаги **мукофотларни белгилаш** жараёни барча ходимлар учун **шаффоф, teng ва холислик асосида таминланади**, ушбу сиёsatнинг



асосий тамойиллари ва талабларига мавофиқ келади.

Университет ходимларини **мукофотлашга асос бўлиб хизмат қиладиган**, уларни фаолиятининг асосий кўрсаткичларини **баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилган**.

Виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиш!!!

Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида:

- ✓ **виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши;**
- ✓ **хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини кўзлаб** иш тутмаслиги лозим.



Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлари ишга қабул қилинишида, бошқа лавозимга ўтказилишида:

- **манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган;**
- ёки **олиб келиши мумкин бўлган** шахсий манфаатдорлиги ҳақидаги маълумотларни **ҳар йили** ва тегишли вазиятлар, ҳолатлар юзага келишига қараб, **ошкор қилишга мажбур ҳисобланади.**

Коррупцияга қарши чоратадбирлар ва тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган **ҳар қандай саволлар** бўлса:

университетнинг **Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс – назорат” тизимини бошқариш бўлимига** мурожаат қилишлари мумкин.



Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ



Қоидалар:

- коррупция ва ҳуқуқбузарликларнинг **олдини олишга**;
- улар **содир этилишининг сабаб ва шартшароитларини бартараф этишга**;
- давлат хизматчиларини юксак ҳукукий онглиликга,
- **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари** ва бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатларига қатъий риоя қилишга;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган.

Университет профессор-ўқитувчилари, ишчи ходимлари ва талаба (магистрант, докторант, мустақил изланувчи)лари барча **қонун ҳужжатлари ва қоидалари** талабларига риоя этишлари шарт.

Қоидаларга риоя этиш профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимларнинг **касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан** бири ҳисобланади.

Ишга кираётган шахслар Коррупцияга қарши курашиш ва ахлоқ одоб қоидалари билан **имзо** қўйдирган холда таништириладилар.

Профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимларнинг мажбуриятлари

Хизмат вазифаларини бажаришда давлат **принциплари ва талабларига қатъий риоя** этиш;

- ўз хизмат вазифаларини **виждонан, юксак** касбий даражада бажариш;
- юқори давлат **органлари ва мансабдор шахсларнинг** ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларни **ўз вақтида** сифатли бажариш;
- ўз фаолиятини қонун хужжатлари ва ички хужжатларда белгиланган **лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш**;
- норматив хуқуқий хужжат ва идоравий хужжатларда белгиланган **чеклашлар ва таъқиқларга** риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини **оғишмай бажариш**;
- хизмат мавқеидан давлат **органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик**;
- соҳада **коррупцияга нисбатан муросасиз** муносабатни шакллантириш;
- коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш.



Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимларининг хизматдаги хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари

- Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт.**
- Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлари ўз раҳбарларини ёхуд хуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни хуқуқбузарликлар содир этишга **оғдириш мақсадида** бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бошқа ходимлар томонидан содир этилган хуқуқбузарликларнинг **ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида** хабардор қилишлари шарт.**
- Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимларининг касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг **сақланишини ва маҳфийлигини** таъминлаш юзасидан **барча чораларни кўришлари шарт**, уларнинг **ошкор этилганлиги** учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.**



- Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори **профессионализм, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши**, университетда ёхуд унинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмасида **маънавий психологик мухит шаклланишига** кўмаклашиши лозим.**

- Раҳбар ўзига бўйсунувчи профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслик керак.

- Раҳбар** кадрларни қариндошлиқ, ҳамشاҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш холатларига йўл қўймаслиги зарур.



- Шунингдек **раҳбар** гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм қўринишлари, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа **салбий омилларнинг** қатъий равища олдини олиши лозим.
- Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлари ўзларининг хизмат вазифаларига бўлган муносабати билан **жамоада ишчанлик, ўзаро хайриҳоҳлик ва амалий ҳамкорлик** мухитини қарор топтиришларига интилишлари керак.
- Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлари:
 - **хушмуомала;**
 - **илтифотли;**
 - **одобли;**
 - **эътиборли;**
 - **фуқаролар ва ҳамкаслари** билан ўзаро муносабатда **сабр- тоқатли** бўлиши, уларни **хурмат қилиши шарт**.

- Университет профессор-үқитувчилари ва ишчи ходимлари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан:
 - қўполлик қилмаслиги;**
 - одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги;**
 - уларга асосиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатлари**га йўл қўймаслиги керак.



- Университет профессор-үқитувчилари ва ишчи ходимлари хизматдан ташқари вақтда:
 - умумий қабул **қилинган одоб-ахлоқ нормалари**га риоя этишлари;
 - **ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатларга** йўл қўймаслиги керак.



- Университет профессор-үқитувчилари ва ишчи ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашуқига сабаб бўладиган **шахсий манфаатдорлик холатлари** йўл қўймасликлари керак.

- Университет профессор-үқитувчилари ва ишчи ходимлари манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ **тадбиркорлик фаолияти билан** шуғуланиши тақиқланади.

Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузганлик учун жавогарлик

- Коррупциявий ҳолатлар ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганлик қонун хужжатлариға мувофиқ **жавогарликка сабаб бўлади**;
- коррупциявий ҳолатлар ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар **суднинг қарорига кўра муайян ҳуқуклардан**, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ тарзда **махрум этилиши мумкин**;
- ходимлар томонидан қоидаларга риоя этилиши **атестациялар** ўтказишида, юқори ва бошқа **лавозимларга** тавсия этиш учун кадрлар захирасини шакллатиришида, **тақдирлаш ёки мукофотларга** тавсия этишда ҳисобга олинади;
- қоидаларда назарда тутилган **нормаларнинг бузилиши** маҳсус таркибий бўлинма мавжуд бўлмаган тақдирда, тегишли бўлинмалар ходимлари одатда **5-11** кишидан иборат таркибда тузилади.



Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

ОДОБ-АХЛОҚ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БҮЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР




Услубий кўрсатмалар коррупция харакатларининг олдини олишга ва уларнинг содир этилишига олиб келадиган сабабларни бартараф этишга, университет ходимларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва университетнинг ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимларини коррупцияга қарши ўқитиш дастурлари ва материаллари мазкур ҳужжатга мувофиқ ишлаб чиқилиши керак.

Ўқитиш турлари ва шакллари

- **Одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш қуйидаги ўқув дастурларини ўз ичига олиши керак:**
- Университет ходимларини одоб-ахлоқ қоидалари бўйича умумий ўқитишга мўлжалланган ўқув машғулотлари;
- Барча ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишга мўлжалланган ўқув машғулотлари;

- Коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган лавозимларни эгалловчи ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишга мўлжалланган **максус ўқув машғулотлари**;
- Университет тизимидағи коррупцияга қарши курашиш **тизимининг ишлишига ва ривожланишига масъул бўлган ходимларни** коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишга мўлжалланган **максус ўқув машғулотлари**.



Ўқув машғулотларини ўтказиш вақтлари ва даврийлиги

Университет таркибида фаолият юритаётган **профессор- ўқитувчилар ва ишчи ходимларни қуйидаги ҳолатларда йилига 1 мартадан ортиқ коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотларида қатнашиши керак:**


- Ходим коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган **лавозимда фаолият юритса**;
- Лавозимга **тайинланиш ва ротациядан** сўнг, агар шахснинг янги лавозими коррупция хавфига кўпроқ **мойил бўлган лавозимлар рўйхатига кирса**;
- Университет **профессор- ўқитувчилари ва ишчи ходимлар** ўртасида коррупция харакатларининг рўй бериши ҳолатлари ёки бажарилаётган ишлар жараёнларнинг **коррупция хавфи даражаси ошгани аниқланганда**;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта максус таълим вазирлиги, унинг ўринбосарлари ва унверситет **раҳбарларини қарори билан**.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

ХИЗМАТ ЖАРАЁНИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Умумий қоидалар

- Қоидалар турли **салбий ҳолатларнинг** олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шартшароитларини бартараф этишга, давлат хизматчиларини юксак ҳуқуқий **онглилик**, **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси**, **қонунлари** ва **бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига** қатъий риоя қилишга йўналтирилган;
- Ходимнинг қоидаларга амал қилиш мажбурияти унверситетга ишга қабул қилинган кундан эътиборан вужудга келади.



Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлар қуйидаги ҳуқуқларга эга

- Қарама-қаршилик предмети бўлиши мумкин бўлган масалалар бўйича ахборотни **унверситет раҳбариятига** тақдим қилиш;
- унверситетда **салбий ёки хақиқатга тўғри келмайдиган** ахборотнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган барча фактларга муносабат билдириш.

Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимларнинг қоидаларни бузганлиги учун жавобгарлиги

- **Профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимлар** томонидан **коидаларнинг бузилиши** унинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда **жавобгарликка** тортиш учун асос бўлади;

➤ Ходимлар томонидан **қоидаларга** риоя этилиши, **атестациялар** ўтказишида, юкори ва бошқа **лавозимларга тавсия** этиш учун кадрлар захирасини **шакллантиришда, тақдирлаш ёки мукофотларга** тавсия этишда ҳисобга олинади;

➤ Қоидаларда назарда тутилган нормаларнинг **бузилиши** тегишли таркибий бўлинма ёки университет раҳбарияти томонидан кўриб чиқилади.



Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлари:

- ўз **хизмат мажбуриятларини** бажариш ва **ташкилот манфаатларини ифодалаш** доирасида **виждонлилик ва ҳалолик тамойилларига** амал қилиши;
- **шахсий манфаатларини** ҳисобга олган холда ўзларининг **хизмат мавқеидан** ва университетнинг **мол мулқидан фойдаланмаслиги**;
- манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган **вазиятлардан сақланишлари** лозим.

Профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимларни:

- **ишга қабул қилишда;**
- **бошқа лавозимга ўтказишида** манфаатлар тўқнашувига **олиб келадиган** ёки **олиб келиши мумкин бўлган** шахсий манфаатдорлиги хақида маълумотларни **ҳар йили**;
- тегишли **вазиятлар юзага келишига қараб** ошкор қилишга **мажбурдирлар**.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Ушбу Низом университетда манфаатлар түқнашувины **аниқлаш, олдини олиш ва ҳал қилиш тартибини** белгилайди.

Ушбу низом талаблари университетда **фаолият юритаётган барча профессор-ўқитувчилар, ишчи ходимларига** уларнинг эгаллаб турган лавозими ва хизмат ваколатларидан қатъий назар қўлланилади.



Масъул таркибий бўлинмалар ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатлари

Университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлари хизмат мажбуриятларини бажаришда ёки университет манфаатларини ифодалашда:

- ушбу Низомда **белгиланган тамойилларга амал қилишлари;**
- **манфаатлар түқнашувига** олиб келадиган **вазиятлардан ўзларини сақлашлари лозим.**

Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар түқнашувининг олдини олиш учун университет ходимлари:

Потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар түқнашуви ҳақидаги маълумотларни **ўз вақтида ва тўлиқ ошкор** қилиши;

Ўз хизмат мавқеидан **фақат** университет **манфаатларида** фойдаланиши;

Фақат университет манфаатларини кўзлаши;

Университетнинг манфаатларига **зид келадиган** ёки **зид келиши мумкин** бўлган шахсий манфаатлар түғрисида университет раҳбарятини хабардор қилиши лозим.

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги малумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби:

→ Университет таркибида факультетлар, кафедралар, бўлимлар кесимида **вакант бўлган бўш иш жойларига** номзодларни **лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда** манфаатлар тўқнашувини **дастлабки тарзда ошкор қилиш;**



→ Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни **ошкор қилиш, потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви факти бўйича** маълумотларни ошкор қилиш.

→ Университет профессор-ўқитувчилари, ишчи ходимларининг манфаатлар тўқнашувини **ошкор қилиш ва ҳал қилишга** оид асосий вазифалари;

→ Иш масалалари бўйича қарор қабул қилиш ва ўз хизмат вазифаларини бажаришда унверситет манфаатларидан келиб чиқиш, **шахсий манфаатлар, ўз қариндошлари ва дўстларининг манфаатларини ҳисобга олмаслик** ;

→ Манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган **холат ва шароитлардан сақланиш;**

→ Юз берган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви **холатини ошкор қилиш;**

→ Юзага келган манфаатлар тўқнашувини **ҳал этишга қўмаклашиш.**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

КОРРУПЦИОН ВА БОШҚА ТУРДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР БҮЙИЧА ХАБАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Университет профессор-ўқитувчилари, ишчи ходимлари ва талаба (магистрант, докторант, мустақил изланувчи)ларини коррупцион ва бошқа турдаги хуқуқбузарликлар түғрисида хабар бериш тартиби:

- коррупцион ва бошқа турдаги хуқуқбузарликларга оид **хабарлар** қўйидаги **масъуллар** ва алоқа каналлари орқали берилади;
- Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори ҳамда унинг ўринбосарларига **оғзаки ёки ёзма** шаклда;



Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг **@rektorga_takliflar_bot** телеграм боти орқали;

91-777-71-31, 55-901-09-32
телефон рақамлари;

➤ **“Korrupsianazorat”** телеграми;

@ anti_corruption_jtsu_ телеграм боти;

@ REKTORGА_SAVOLIM_BORbot телеграм боти;

- университет ва унинг таркибий тузилмаларининг расман **веб-сайтларида** жойлаштирилган шакллар орқали;
- тўғридан-тўғри **хуқуқни муҳофаза қилиш органларига**;
- алоқа каналлари орқали келиб тушган **барча хабарлар** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва университет ички идоравий ҳужжатларига мувофиқ **холисона ва ўз вақтида** кўриб чиқилади;
- ижтимоий тармоқларда берилган, **аноним** тарзида берилган, шунингдек **хуқуқбузарлик содир этаётган шахс** ҳақидаги маълумотлар аниқ кўрсатилмаган хабарлар **хуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди** ва ушбу малумотларга тегишли тартибда университет **ички тартиб қоидалари асосида баҳо** берилади.



Коррупцион ва бошқа турдаги хуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарга қўйилган талаблар

- Хуқуқбузарлик тўғрисида берилаётган хабарда қўйидаги **малумотлар** акс эттирилиши шарт:
- хабар муаллифининг **Ф.И.Ш, лавозими**;
- шахснинг мурожаат қилиши учун унга маълум бўлган **ҳолатларнинг тавсифи (сана, жой, вақт ва бошқа ҳолатлар)**;
- коррупцион ёки бошқа хуқуқбузарлик тури ва ушбу хуқуқбузарликни содир этган шахс тўғрисидаги **аниқ** малумотлар;
- мурожаат қилинган **сана**;
- мурожаатчининг **телефон рақами**;
- мурожаат этувчи ўз мурожаатига асос бўладиган **боща ҳужжатларни ҳам қўшиб** тақдим этиши мумкин.

Коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар түғрисидаги хабарларни расмийлаштириш тартиби

Коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги хабарлар ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар **қайд этиш дафтарида рўйхатга** олинади.

Хабарларни қайд этиш дафтари университетнинг **Коррупцияга қарши курашиш**

“Комплаенс – назорат” тизимини бошқариш бўлими ходимлари томонидан юритилади.

Хабарларни қайд этиш дафтари варакларига **номер қўйилиб** университетда **ректор томонидан** имзоланади.

Аризачи **ёлғон хабар** берганлик ҳамда **туҳмат** қилганлик учун белгиланган тартибда **жиноий ҳамда маъмурий жавобгарлик** ҳақида огоҳлантирилади.

Коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар түғрисидаги малумотларни масъулларга етказиш ва хизмат текшируви ўтказиш тартиби ҳамда муддатлари

- Ҳуқуқбузарликлар түғрисидаги хабарлар **масъул ходимлар** томонидан университетда **зудлик билан** маълум қилинади;
- агар мазкур масала юзасидан аввал ҳам ариза келиб тушган бўлиб ушбу муржаатдаги **ҳолатлар** ўз тасдиғини **топмаган бўлса**, аризани **рад этиш** түғрисида;
- хабар тегишли тартибда кўриб чиқилгандан кейин натижасига кўра қуйидаги **қарорлардан бири** қабул қилинади;



- хабар юзасидан **хизмат тешируви** ўтказиш түгрисида хабарлардаги ҳуқуқбузарликлар ҳолатидан келиб чиқиб, **хуқуқни мухофаза қилувчи органларга тақдим этиш** түгрисида;

- университет **ректори топшириғига** кўра хизмат текшируви ўтказилади;

- хизмат текшируви натижаси ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги факти аниқланганда университет ректорига **икки иш куни** ичида бу ҳақида хабар берилади;

- ариза келиб тушган кундан **этиборан ўн беш кун** ичида, қўшимча ўрганиш талаб этилганда **бир ой** муддатда кўриб чиқилади.



Хизмат текшируви натижалари юзасидан ёзма холоса тайёрланиб унда қўйидагилар кўрсатилади

- Тақдим этилган маълумотлар юзасидан **ўрганиш натижалари**;
- мурожаатни **тасдиқловчи ёки рад этувчи** асослар;
- мурожаат юзасидан кўрилган **таъсир чоралари**;
- мурожаат юзасидан аниқланган **сабаб ва шароитлар** юзасидан амалга ошириладиган **аниқ чора-тадбирлар**;
- хабарларни кўриб чиқиши натижалари бўйича **аризачига жавоб хати** юборилади.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети


УНИВЕРСИТЕТГА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН НОМЗОДЛАРНИ ТЕКШИРИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

Йўриқномадан кўзланган мақсадлар:

- Номзод томонидан тақдим этилган, унинг **профессионал фаолияти, бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан қариндошлиқ ва тижорат алоқалари ҳақидаги** маълумотларни текшириш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда университетнинг ички хужжатлари талабларига мувофиқ ўзига юклатилган вазифаларни **ҳалол, сифатли, холис амалга оширишга** қодир жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга эришилишини таъминлаш;
- Университет тизимида профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлар билан лавозим мажбуриятларини бажариш учун **етарли билим ва тажрибага эга** бўлмаган **хуқуқбузарликлар содир этишга мойил** бўлган, шунингдек уларни ишга олиш **обрў, коррупцияга оид ёки бошқа хатарларга олиб келувчи номзодлар билан меҳнат муносабатларига киришиш хатарини минималлаштириш;**
- Рахбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга **билимли, ҳалол, виждонли, қонунга итоаткор** ходимларни танлаб олиш.



Ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишга қўйилган умумий талаблар ва уларнинг муддатлари



Ходимлар бўлими ҳамда Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс – назорат” тизимини бошқариш бўлими **номзодларни текшириш учун масъул** ҳисобланади;

➤ Текширув барча доимий ва муддатли лавозимларга номзодлар, шунингдек **фуқаролик–ҳуқуқий шартномалар** бўйича қабул қилинган номзодларга нисбатан амалга оширилади.

➤ Агар ходимларни танлаб олиш **Ўзбекистон Республикаси Президенти Хузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги** (кейинги ўринларда-ДХРА) томонидан амалга оширилса, номзодларни текшириш, номзод қабул комиссияси баённомаси билан тасдиқлангандан сўнг, бироқ **мехнат шартномаси тузилмасидан олдин** амалга оширилади;


➤ Агар номзодларни танлаб олиш ДХРА иштирокисиз амалга оширилса, у ҳолда ишга қабул қилинаётган номзод **профессионал танлов ва (ёки) тестдан муваффақиятли ўтгач**, бироқ **мехнат шартномаси тузилмасдан аввал** текширилади;



➤ Номзодни текшириш **5 (беш) иш кунигача** бўлган муддатда амалга оширилади;

➤ Номзодни белгиланган муддатларда текшириш узрли сабабларга кўра имконсиз бўлса, унинг **давомийлиги 5 (беш) иш кунигача** бўлган муддатга **узайтирилиши** мумкин.

Ишга манбалари жойлашаётган номзодларни текшириш учун ахборот



Маълумотларни йиғиш ишга жойлашаётган номзод ҳақидаги **умумий ва холис** фикрни шакллантириш, номзоддан олинган, жумладан маълумотномада қайд этилган, номзоднинг <https://vacancy.argos.uz> сайтидаги шахсий профилидаги жужжатлар ва маълумотлар **ишончлилигини** бохолаш, шунингдек ўзи ҳақидаги маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш аломатлари йўқлигини **таксил қилиш** учун барча очиқ ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади

Текширувни расмийлаштириш ва ҳужжатларни сақлаш муддатлари

- Номзодни текшириш **конфиденциал характерга эга** ва университет тизимининг танлов жараёнида ҳамда номзодни ва бошқа **учинчи шахсни текширишда қатнашмаган** ходимларга ошкор этилиши мумкин эмас;
- Ишга қабул қилинган тақдирда, номзодни текшириш натижалари ходимнинг шахсий ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган **муддат ва тартибда сақланиши** керак.